

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2018  
октябрь

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

## ФАЛСАФА, СИЁСАТ

---

### Н.ХОЛМИРЗАЕВ

Баркамол инсонни шакллантиришнинг асосий омиллари .....	80
<b>С.ЮЛДАШЕВ, Ў.АҲМЕДОВА</b>	
Жамиятни илмий бошқаришнинг баъзи масалалари .....	83
<b>Н.ХАКИМОВ, А.АБДУМАЛИКОВ</b>	
Ривожланишнинг янги босқичи шароитларида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш .....	86

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

---

### Қ.ЮЛЧИЕВ

Хронотоп – лирик композиция асоси (Шамшод Абдуллаев шеърлари мисолида) .....	89
<b>С.ЖУРАЕВА</b>	
Лутфий тўртликлари ҳақида баъзи мулоҳазалар .....	92
<b>Э.НАСРУЛЛАЕВ</b>	
Алишер Навоий феномени ва жадид адабиёти намояндалари .....	98
<b>Р.ДАМИНОВА</b>	
Туркий шеъриятда ғазал .....	102

## ТИЛШУНОСЛИК

---

### Ш.ИСКАНДАРОВА, А.РАСУЛОВА

Тўсиқиззик категорияси ва тил мазмуний структураси хусусида .....	106
<b>З.АЛИМОВА</b>	
Ўзбек тилига форс-тожик тилларидан ўзлашган но- префиксли сўзлар хусусида .....	109

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

---

### Ш.ДЖУМАНОВ

Бўлажак ўқитувчининг шахс бўлиб шаклланишида коммуникатив қобилият моҳияти .....	113
<b>Л.ШУКУРОВА, В.УМАРОВА</b>	
Ўзбекистон ҳудудида ганчкорлик санъати тарихий ривожланиш босқичларининг илмий асослари .....	117

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

---

### Х.ЭШЧАНОВ, А.САРИМСАҚОВ, М.БАЛТАЕВА, М.НУРМАТОВА

Полифункционал гемосорбент олиш усули.....	121
<b>Н.ОЛИМОВА, А.МИНОЖИДИНОВ</b>	

Корхонанинг амалий фаоллиги ва самарадорлик кўрсаткичлари ҳамда инновацияларнинг ўзига хос хусусиятлари.....

123

### М.АБДУЛЛАЕВА

Ибратнинг жамиятшуносликка қўшган ҳиссаси .....	126
---	-----

### А.КОСИМОВ

Ёзувчи Т.Мурод услубининг ўзига хослиги («Отамдан қолган далалар» романи мисолида) .....	129
--	-----

### М.УСМОНОВА

Тилнинг пайдо бўлиш муаммосига оид қарашлар .....	131
---	-----

### Р.АБДУЛЛАЕВА

Оламнинг лисоний манзараси .....	133
----------------------------------	-----

### М.А.НАЗАРАЛИЕВА, М.О.ОРИПОВА

Ўқиш кўнижмасини шакллантиришдаги муҳим ва самарали стратегиялар .....	136
--	-----

### Ш.АБДУЛЛАЕВ

Аҳил қўшничилик муносабатлари тарихий - маданий жараён сифатида .....	140
---	-----

## АДАБИЙ ТАҚВИМ

---

<b>Жаҳонга танилган олим .....</b>	143
------------------------------------	-----

## ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

---

<b>Библиография .....</b>	147
---------------------------	-----

УДК: 494.3

## ЛУТФИЙ ТҮРТЛИКЛАРИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

С.Жўраева

## Аннотация

Мақолада қитъа, рубоий, туюқ, түртлик сингари шеърий жанрларни бир-биридан ажратиши қандай мезонларга асосланиши керак, деган савол юзасидан Лутфий түртликлари мисолида муроҳада юритилган ва илмий аҳамиятга молик фикрлар билдирилган.

## Annotation

*В данной статье раскрывается вопрос относительно литературоведческих канонов и критериев в определении поэтических жанров на примере четверостиший Лютфи. По данному вопросу автор излагает свои научно-теоретические размышления.*

## Annotation

*Some thoughts about how differentiate such poetic genres as rubaiy, short poems, distiches and quatrains on the examples of Lutfi's quatrains are given in the article.*

**Таянч сўз ва иборалар:** қитъа, рубоий, туюқ, дубайтий, Лутфий түртликлари, шаклий ўхшашик, мазмун ва вазнаги фарқ, қоришиқлик, хусусият, асплият.

**Ключевые слова и выражения:** қыта, рубаи, туюқ, двустишие, четверостишия Лютфи, сходство по форме, различия в содержании и метрике аруз, совокупность, своеобразие, оригинал.

**Keywords and expressions:** kita, rubai, tuyuk, couplet, quatrain by Lutfi, similarity in form, differences in content and metric aruz, cumulative, originality, original.

Ўзбек адабиётшунослигида түртлик шаклидаги шеърий жанрларнинг канонлари қатъий эмаслиги уларнинг жанрини белгилашда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, рубоий, туюқ, қитъалар ўртасидаги маълум ўхшашик адабиётшунослиқда бир қатор чалкаш назарий фикрларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, Мавлоно Лутфий түртликлари ҳақида шундай фикр билдириш мумкин, чунки шоир түртликларининг қофияланиш тартиби а-а-б-а ёки а-а-а-а шаклида; қофияларида тажнис ишлатилмаган; вазни туюқ вазнида, қитъа вазнига ҳам тушади. Худди шу белгиларга асосланиб, олимлар бу ҳақда турли фикр-мулоҳазалар билдиримоқда: қофияланиш тартиби ва тажнисиз сўзларнинг ишлатилмаганлигига қараб рубоий; вазнига қараб тажнисиз туюқ ёки туюқнинг тажнис асосига қурилиши керак, деган фикр асосида уни қитъа, деб номлашмоқда.

Адабиётшунос Р.Орзивеков бу ҳақда тўхталганда шундай ёзади: “Ўзбек адабиёти” беш томлигининг биринчи томида Лутфийнинг бир неча рубоий ва туюқлари қитъа деб келтирилади. Холбуки, бу түртликлар шаклан рубоийларга ўхшаса ҳам, туюқларнинг вазни “рамали мусаддаси мақсур”да ёзилган. Фақат қофияларда тажнис сўзлар ишлатилмаган, холос. Бу хусусда ўтмиш адабиётшунос, луғатшунос олимлардан “Фиёс ул лугат”

китобидаги қуйидаги фикрларига эътибор бериш лозим бўлади: “Ажам шоирлари 1-2-4 мисралари қофияланган, 3-мисраси қофиясиз келган ҳазаж баҳри “ахраб” ва “ахрам” шажараларида ёзилган шеърни рубоий, деб атайдилар. Агар кўрсатилган баҳрнинг вазнларида ёзилмаса, уни қитъа дейилади”. Қитъада муайян бир ҳажм меъёри бўлмайди, монорифма қофия тартибига эга ( ба, ва, га ...) матлаъ, тахаллуси ҳам бўлмайди. Қитъа мавзуи номуайян ва ниҳоят даражада кенгдир” [1,54]. Бу ерда олимнинг фикридан шу нарса аён бўладики, қитъа арузнинг хоҳлаган вазнида (яъни у туюқнинг вазнида ҳам (рубоий вазнидан ташқари) ёзилиши мумкин) хоҳлаган ҳажмда монорифма қофияланишда ёзилади. Шу туфайли ҳам кўпинча (шартли тарзда) тажнисиз туюқлар қофияланишига кўра баъзан қитъа деб берилмоқда.

Худди шундай чалкаш фикрларга Эркин Аҳмадхўжаевнинг “Лутфийнинг эълон қилинмаган түртликлари” мақоласида ҳам дуч келамиз: “...ҳажм жиҳатидан ҳалқ оғзаки ижодидаги түртликлар ва рубоий шеърларни эслатувчи, куйга солиб айтиладиган, қофиялари кўпроқ ҳамжинс, ҳамшакл сўзлардан тузиладиган арузнинг рамали мусаддаси мақсур вазнида ёзиладиган туюқ Лутфий лирикасида анчагинадир. Унинг рубоийлари ва қитъаларининг анчагина қисми ҳам туюқ вазнида ёзилган...

С.Жўраева – СамДУ тадқиқотчisi.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

Шоирнинг қитъалари кўпчилиги туюқ-қитъа шаклида ёзилган. Қуйидаги қитъаси ҳам шундай хусусиятга эгадир...

Ваҳки мен беҳудлигимдин, эй санам  
Ой юзунгни кўрмадим бир кун қона  
Қоними тўксанг рақиблар шод ўлур  
Итларингнинг завқи бор ори қона

Иккинчи мисрадаги қона сўзи маъшуқа юзи висолига қониқмоқ, тўймоқ, тўртинчи мисрадаги қона сўзи қон маъносида, яъни итларинг қон ўқилиши, қондан завқланиши шубҳасиз, деган маънода ишлатилган” [2,34].

Эътибор берсак, олим “қитъа” деб таъкидлаган тўртлик туюқ вазнида ёзилган, аммо қофияланиши қитъа кўринишида (б-а-в-а). Бу билан мазкур тўртликни қитъа дея олмаймиз, бу, аслида, Бобур қайд этган туюқнинг қитъа шаклида қофияланувчи кўринишидир, яъни жанр талабидан (вазн нуқтаи назаридан ҳам, 2 ва 4-мисралари тажнисли сўзлар асосига қофияланиши жиҳатидан ҳам) келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ушбу тўртлик туюқdir.

Шунингдек, адабиётшунослигимизда Лутфийнинг тўртликлари қитъалардир деб аталишига сабаб, балки бу тўртликларнинг рамал баҳрида ёзилганлиги ҳамда тажнисга асосланмаганлиги бўлса керак. Чунки, қитъа юқорида кўриб ўтганимиздек, арузнинг хоҳлаган вазнида ёзилиши мумкин. Агар тажнисиз туюқ, деб баҳоламоқчи бўлсак, Б.Саримсоқовнинг “Алишер Навоий ва шеърий мезонлар масаласи” мақоласида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, туюқ дея олмаймиз: “Навоий туюқка хос нозик бир нуқтани эслатиб ўтади. Бу “саъй қилурлар ким, тажнис айтилғай” дан иборат нуқта... Мана шунга асосланилса, туюқда тажнис қўлланиши шарт. Бундан мантиқан шу нарса маълум бўладики, мумтоз шеъриятимизда тажнисиз туюқ мавжуд эмас” [3,18]. Ҳазрат Навоийнинг худди шу фикрини Р.Орзивеков бошқа маънода изоҳлаган эди: “...Алишер Навоий юқоридаги фикрида туюқка хос икки жиҳатни назарда тутганди, биринчиси, шоирларнинг туюқда қофияларнинг тажнис бўлишига ҳаракат қилишлари, иккинчиси, туюқнинг қофияси тажнисиз ҳам бўлиши мумкинлиги” [4,101]. Олим мазкур фикрини рисоласида бир қатор олимларнинг туюқ ҳақидаги қарашлари билан асослайди. Жўмладан, И.П.Стеблева, Б.Валихўжаев, Ҳ.Зариф, Н.Маллаев кабилар туюқ учун қофияларнинг тажнисли бўлиши шарт эмаслиги, агар омоним сўзлардан ташкил топмаган бўлса, бу туюқнинг бир тури эканлиги ва бундай қарашларда улар Навоий

ва Бобурнинг қарашларига таянганлигини ва туюқларни тажниснинг иштирокига кўра тажнисли туюқлар ва тажнисиз туюқларга ажратганлигини таъкидлайди [4,101] ҳамда адабиётшуносларнинг мазкур фикрларига олим барча тадқиқотларида суняди ва шундай ёзади: “Лутфий ўз ғазаларида намойиш этган юксак санъаткорлигини туюқларда ҳам кўз-кўз қила олди. Шоирнинг нашр этилган девонида 16 та туюғи бор. Унинг шу девонидаги 27 та рубоийнинг 26 таси, 9 қитъасидан 4 таси ҳам туюқ вазнида ёзилган. Б.Валихўжаев тўғри қайд қилгандек, Бобирнинг туюқ ҳақидаги фикрлари асосида вазнни эътиборга олиб, бу тўртликларга ёндашадиган бўлсак, Лутфийнинг қитъа ва рубоийларининг кўпчилиги туюқ бўлиб чиқади” [4,107]. А.Багиров ҳам Навоий туюқлар учун икки хусусиятни: ҳажмни ва вазнни муҳим, учинчи хусусият: қофиянинг тажнисли бўлишини нисбий деб билганлиги ва Бобурнинг қофияланиш хусусиятига кўра туюқнинг 7 навидан иккитаси тажнисиз: уч қофияли (а-а-б-а) ва икки қофияли (а-б-в-б) туюқларни кўрсатганлигини таъкидлаб, “тажнис туюқ учун шарт эмас”, деган хуносага келади ва тажнис ғазаллар, муҳаммаслар, рубоийлар, номалар таркибида ҳам қўлланишини қайд этиб, шундай ёзади: “...туюқнинг жанрини белгилашда тажнис ҳеч қачон ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлолмайди, балки бир бадиий санъат сифатида бошқа жанрларга қандай муносабатда бўлса, туюқка ҳам худди шундай муносабатда бўлади”. Яъни, олим бу билан “туюқнинг асосий белгиси, бош хусусияти - куйи ва вазни” эканлигини таъкидлайди [5,35]. Мазкур фикрларга кейинги яқин йилларда ҳам адабиётшунослигимизда амал қилинди. Жўмладан, Ҳ.Умуроев “Адабиёт қоидалари” қўлланмасида туюқларни тажнисли ва тажнисиз турларга бўлиб беради [6,200]. Зарифа Дехқонова “Чустий туюқлари” мақоласида: “...Яна бир хусусияти эса шоир маҳорати етгани қадар тажнис айтиш зарур. Бирок адабиётимиз тарихида тажнисиз туюқлар ёзилганини эътибордан соқит қилиб бўлмайди” [7,98], деб таъкидлайди. Т.Бобоевнинг “Адабиётшунослик асослари” рисоласида эса туюқлар тажнисли ва тажнисиз турларга ажратилмаган, балки тажнисиз туюқлар учраши қайд этилган [8,489]. Демак, мазкур фикрлардан туюқнинг асосий жанрий белгиси унинг вазнидир, деб хулоса чиқарсан бўлади.

Аммо адабиётшунос Б.Саримсоқов айнан 3.М.Бобур “тажнисиз туюқлар”, деб

келтирган тўртликларнинг тажнисиз эмаслигини, яъни уларнинг ҳаммаси тажнис асосига қурилганлигини исботлаб бериб, туюқ тажнис асосига қурилган бўлиши керак, деган фикрни илгари суради:

*“Бу вилоятка муқайяд бўлмагил,  
Кел, Хурросон жонибига азм қил.*

*Гар борур бўлсанг, эрурмен ҳамраҳинг,  
Вар туарарсен, мен борурмен жазм қил.*

...Холбуки, Бобур тажнисиз қофия истифода этилган туюқ, деб ҳисоблаган юқоридаги тўртликнинг жуфт мисраларидағи қофияларида тажнис бор. Улар “азм” ва “жазм” сўзларидан иборат бўлиб, тажниснинг бу турини Шамс Қайс Розий тажниси зоид, Атоуллоҳ Ҳусайний тажниси ноқис Шайх Аҳмад Тарозий тажниси зоид деб ҳисоблаганлар, биз ҳам тажниси зоид деб ҳисоблаймиз [ 9, 273; 10, 17; 11, 84].

Тажниснинг ушбу тури талабларига кўра, тажнисланувчи сўзларнинг ё олдида, ё ўртасида ёки охирида бирор ҳарф ортирилган бўлади. Юқоридаги тўртлик қофиясидаги “азм” сўзи олдидан “ж” ҳарфи қўшилиб, “жазм» ҳолига келтирилган. ...Демак, туюқнинг бу туррида ҳам тажнисли қофия мавжуд” [3,19].

Олим мазкур мулоҳазаларига хуласа сифатида, адабиётимизда тажнисиз туюқнинг мавжуд бўлиши мумкин эмас, деган фикрга келади ва шундай таъкидлайди: “Агар Бобур кўрсатган 1, 2 ва 4 мисралари тажнисиз қофияланган туюқнинг тури ҳақиқатан ҳам мавжуд деб ҳисобласак, Лутфийнинг рубоийларини қайси жанрга мансуб деб қараш керак бўлади? Чунки уларда ҳам уч мисра тажнисиз қофияланган, барчаси рамали мусаддаси мақсур (айримлари маҳзуф) вазнида ёзилган тўртликнинг мазмуни эса туюқга тўғри келмайди:

*Сайд қилди бизни жайрон кўзлари  
Делва бўлди жон эшишиб сўзлари  
Ер агар қилса шикоят, не ажаб  
Кул ничун девона қилди ўзлари*

Бундай тўртликлар Лутфий “Девон” идаги 27 та рубоийдан 26 тасини ташкил этади. Демак, Лутфий рубоий эмас, фақат туюқ ёзган экан-да?...” [3,21].

Олимларимиз томонидан Лутфий тўртликларининг қофияланishiiga кўра рубоий, вазнига кўра эса рубоий эмас, қитъа деб баҳоланди. Сабаби, юқорида кўриб ўтганимиздек, қитъа арузнинг хоҳлаган вазни (туюқнинг вазни ҳам)да, хоҳлаган қофияланиш тартибида, шунингдек, хоҳлаган ҳажмда (асосан тўртлик шаклда) ёзилиши мумкин. Агар Бобурнинг “тажнисиз туюқлар” ҳақидаги

қарашларига таянсак, Лутфийнинг тўртликлари туюқ бўлиб чиқади, тажнис кўпланилмаганлиги эса (Б.Саримсоқов фикрига таянсак) уни туюқ деб аташга йўл бермайди, рубоий деб ҳам аташга. Чунки бунда унинг вазни рубоий вазнида эмас.

Худди шу хусусиятларни инобатга олган Р.Орзивеков “Лирикада кичик жанрлар” рисоласида: “Агар уларнинг жанрини биз Бобир шарҳларидан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлсак, туюқлар деб аташимиз керак. Лутфий асарлари ноширлари уларни ҳамма ўринларда қофияларида омоним сўзлар бўлмаганлиги учун рубоий тарзида тақдим этадилар. Бизнингча, бу хил шеърларга дуч келингандан улардаги икки жанрга хос етакчи томонларни ҳисобга олиш керак ва бу хусусиятларни таъкидлаб бориш учун уларга нисбатан қўшалоқ термин ишлатиш маъқул”, деган фикрни илгари суради ва Лутфий тўртликларига нисбатан “туюқ-рубоий” истилоҳини ишлатишни ўринли деб билади [4,61]. “Ўзбек мумтоз адабиёти жанр ва бадиий хусусиятлари саҳифаларидан”(2003) рисоласида эса олим Р.Орзивеков: “Туюқ сўзининг луғавий маъноси тусланишни англатгани учун, бу атама тажнисли туюқ учун хос бўлиб, тажнисиз туюқ аслида қандай атама билан аталгани ҳозиргача номаълум. Бобурнинг тажнисиз туюқ ҳақидаги мулоҳазалари маълум бўлмай қолганлиги туфайли бўлса керак, шу вақтгача тажнисиз туюқ рубоий, деб келинган. Шу нуқтаи назардан тажнисиз туюқ хусусиятлари ҳақида батафсил мулоҳаза юритиш, унинг қитъа ёки рубоийдан фарқи(вазндан ташқари) масаласини аниқлаш галдаги вазифалардандир” [12,99], деб таъкидлайди. Худди шундай Лутфий тўртликлари “рубоий” деб аталиши 60-йилларда Ё.Исҳоқов тадқиқотларида ҳам кузатилади [13,35]. Шунингдек, Б.Саримсоқов ҳам 2004 йилдаги мақоласида рубоийнинг канонлари Навоий замонигача тўлиқ шаклланмаганлигини ҳисобга олиб, Лутфий тўртликларини “рубоий”, деб қабул қиласи [5,21]. Шу хилдаги қарашлар 2005 йилда чоп этилган Э.Очиловнинг “Ўзбек адабиётшунослигида рубоийнинг ўрганилиши” мақоласида танқид этилди ва бундай мулоҳазаларнинг сабаби “XV асрнинг 1-ярмида туркий адабиётда рубоий ва туюқ ҳам ўз жанрий хусусиятларига кўра ажратилмаган”лигига деб кўрсатилди ҳамда тажнис асосига қурилган рубоийлар ва рамали мусаддаси мақсур (маҳзуф) вазнидаги тажнисиз тўртликлар масаласи ҳозирги

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

кунгача тадқиқотчиларни қийнаб келаётганлиги [14, 20] таъкидланди.

Агар рубоий Навоий ва Бобур замонигача қатъий қолипларга солинмаган бўлса, у ҳолда улар дастлаб қандай шаклда бўлган, деган савол туғилади. Мазкур саволга жавоб топиш 60-йиллардан бошланган бўлиб, бу борада бир қатор олимлар изланишлар олиб борди ва бу изланишлар натижасида рубоийнинг келиб чиқиши ўзбек халқ оғзаки ижодининг тўртликлари билан боғлиқ эканлиги, унинг илк намуналари Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит турк”, Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” асарларида 7-11 ҳижоли бармоқ вазнидаги шеър кўринишида учраши, рубоий атамаси ўрнида ўша вақтларда “кўшиқ”, “тўртлик”, “лапар”, “ўлан” [14,30-32] ёки “дубайтий”, “тарона” истилоҳлари ишлатилганлиги, кейинчалик араб ва форс классик поэзияси таъсирида рубоий номи билан атала бошлаганлиги [4,65], ўзбек ёзма адабиётидаги дастлабки намуналари эса Сайфи Саройи (XIV-XV асрда) ва Лутфий томонидан яратилганлиги аниқланди [1,80].

Шу ўринда “дубайтий” ва “тарона” истилоҳларининг моҳиятига тўхталиб ўтиш фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлаймиз. Чунки “Мазкур атамалар рубоийнинг маънодошими ёки алоҳида жанр маъносини англатадими?” каби саволлар адабиётшунослигимизда ўз вақтида мунозарали муаммоларнинг бири сифатида бир қатор изланишларнинг объектига айланган эди. Жумладан, И.Ҳақкулов “Рубоий ҳақида баъзи мuloҳазалар” мақоласида Шарқ адабиётшунослярининг [14,26] фикрларига таянган ҳолда дубайтий, тарона, рубоийларни бир-биридан фарқлаб беради. Айниқса, олимнинг дубайтий ва рубоий борасидаги қарашлари фанимизнинг катта ютуқларидан бири эди, десак адашмаймиз. Олим шундай ёзади: “Бу икки жанр ўзаро маълум томонлари билан бир-бирларига ўхшаб кетишиларини (шакл ва қофияланишида бўлганидек) инкор этмаслик лозим. Бироқ, “Дубайтий” рубоийдан қуидаги хусусиятлари билан тубдан фарқланади:

1. Арузда “дубайтий” ҳазажи мусаддаси мақсур ёки маҳфуз (мафоийлун мафоийлун фаулун /v ---v---v--/) вазнида яратилса ҳамки, уни шу вазн билан чегаралаб бўлмайди. Чунки, “дубайтий” арузнинг жуда кўп баҳрларида яратилиши мумкин. Бу жиҳатдан у мутлақо рубоийга монанд эмас. Рубоий эса, айтганимиздек, “ҳазаж” баҳридан “ахрам” ва

“ахраб” шажараларидағи ўзгармас 24 вазнида яратилади.

2. Рубоийнинг қофияланиши қатъий андазага эга. Унда биринчи, иккинчи, тўрттинчи ва ёки тўрттала мисра ҳам қофияланиши шарт. “Дубайтий”да, Фазлулло айтганидек, иккинчи ва тўрттинчи мисралар қофияланган бўлиши мумкин. Баъзан биринчи, иккинчи мисра бир хил, сўнгги мисралар бошқа тавурда қофияланган ҳоллар ҳам учрайди.

3. Бу жанрлар мавзу танлаш нуқтаи назаридан қисман яқинликлари бўлишига қарамай, мавзу ифодасида ўз йўналишларига эга. “Дубайтий”да ишқ туйғулари, нозик кечинмалари, жўшқин эҳтирослари ифодаланади. Рубоийда эса нисбатан кенглик, бепоёнлик, ижтимоий-фалсафий томон бўртиб туради. У ҳатто ишқ-муҳаббатнинг ҳам фалсафий қирраларини кашф этиб, парвозли мулҳазаларга ўраб тараннум этади” [14,19-20].

Демак, дубайтий арузнинг асосан ҳазаж баҳрида, шунингдек, барча баҳрларида яратилиши мумкин; қофияланиши рубоийники сингари (ааба, аааа), шунингдек, 2-4 мисралар, баъзан 1-2 мисралар бир хил, қолган мисралар бошқа шаклда бўлади; мавзу доираси рубоийницидан тор бўлиб, асосан ишқ-муҳаббат ҳақида ёзилади. Эътибор берсак, асосан форс-тожик адабиётида кенг тарқалган дубайтийнинг жанрий белгилари қитъя жанрининг белгилари билан деярли бир хилдир. Фақат дубайтий қитъадан фарқли ўлароқ рубоий сингари қофияланиш хусусиятига эга, шунингдек, мавзу доираси ҳам қитъаницидан севги-муҳаббат, шоирнинг ҳис-тўйғуларини ифодалashi билан фарқланади. Агар мазкур хулосаларга суюнсан, Лутфий тўртликлари балки “дубайтий”дир, деган фараз пайдо бўлади. Чунки, “дубайтий”га хос юқорида кўриб ўтилган барча белгилар Лутфий тўртликларида ҳам мужассамдир. Хусусан, қофияланиши дубайтийнинг рубоий кўринишида, шунингдек, бава, аабв шаклида, вазни рамал баҳрида (дубайтий арузнинг хоҳлаган вазнида яратилиши мумкин) ҳамда ғоявий мазмуни ҳам асосан ишқ-муҳаббат ҳақидадир. С.Ғаниева Лутфий рубоийлари ҳақида сўз юритар экан, шундай ёзади: “Лутфий тўртликлари арузнинг “ҳазаж” баҳрида эмас, балки “рамал”да яратилди. Шунинг учун шоир тўртликларини том маънодаги рубоийлар, деб аташ қийин. Лутфий тўртликлари тематикаси ишқ ва у билан боғлиқ ҳаяжон ва кечинмаларни камрайди” [16,8].

Рубоий тарихи ва унинг поэтикасини тадқиқ этган И.Хақулов ҳам Лутфий рубоийларининг мавзу мундарижаси ҳақида шундай хуносага келади: “Лутфий тўртликларининг тематикаси нисбатан тор. Улар фақат ишқий кечинмалардан баҳс этган” [14,37]. Худди шундай хуноса С.Эркинов тадқиқотларида ҳам берилган эди [17,52].

Демак, мазкур муроҳазалардан, Лутфий аслида “дубайтий”лар яратган экан, деган хуносага келишимиз мумкин.

Шу ўринда дубайтийлар форс адабиётига тегишли эмасми, деган савол фикримизни инкор этиши табиийдир. Лутфий яшаган адабий муҳит ва замонни инобатга олсак, масала янада оидинлашади. Чунки Лутфий даврида форс тили ва адабиётининг мавқеи баланд, барча яратилаётган асарлар форс тилида ва форс адабиётининг таъсири доирасида юзага келарди. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, Лутфий яратган тўртликларга ҳам форс шеъриятининг таъсири бўлган, деган хуносага келсак, янгишмаган бўламиз. Худди шундай ҳолатни Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун-ул балоға” асарида келтирилган тўртликларда ҳам кўришимиз мумкин. Яъни Тарозий рубоий деб келтирган тўртликлар Лутфий тўртликларидан деярли фарқ қилмайди. Муаллиф уларни “рубоий мусаррафъ”, “рубоий ҳиссий”, “мужаннас” каби турларга ажратади, “рубоий мусаррафъ” (а-а-а) ва “рубоий ҳиссий” (а-а-б-а)ни қофияланишига кўра фарқласа, мужаннасни эса шундай изоҳлади: “Рубоийнинг бир навъи тақи бўлур. Они мужаннас дерлар. Аниңдек бўлурким, рубоийнинг қофиясинда тажнис риоят қилурлар. Ва бу турк шоирларининг ихтироидур. Муни турклар туюқ дерлар” [11,82]. Эътибор берилса, Тарозий келтирган:

Ҳуснингиз шамъина жон парвонадур,  
Зулфингизга ақлу дил девонадур.  
Чунки жоду кўзларинг мастанадур,  
Ул сабабтин манзилим ғамхонадур.

(“Рубоий мусаррафъ”)

Эй малоҳат мулкида соҳибқирон,  
Кўзларингдур фитна охир замон.  
Гар пари эмассен, эй гул юзи ҳур,  
Не учун кўздин учарсен ҳар замон.

(“Рубоий ҳиссий”)

То кўнгулда иш қўти то бандадур,  
Ғам машашат панжасин то бандадур.  
Киприк ўқин қисмат этиб отсангиз,  
Ҳеч кишига тегмасул – то бандадур

(“Мужаннас”)

сингари тўртликларининг қофияланиши рубоийларнидан фарқ қилмайди, вазни эса

рамалда, мазмуни ишқ-муҳаббат ҳақидадир. Мазкур мисоллар нафақат Лутфий қаламига мансуб, балки Навоийга қадар битилган тўртликларниң дубайтий кўринишида ёки шартли тарзда рубоийнинг дастлабки намуналари тарзида бўлганлигини тасдиқлади.

Шунингдек, ҳар қандай жанр дастлаб қоришиқ ҳолатда, сўнг эса ўзига хос жанрий белгилари билан алоҳидалик касб этишини ёдга олсак, Лутфий тўртликларидан ҳам юқорида келтирилган тўртликларда ҳам айнан шундай қоришиқликни кузатишимиш мумкин, яъни уларда рубоий, дубайтий ва кейинчалик улар (рубоий, дубайтий) нинг таркибидан ажралиб чиқкан ёки алоҳида жанр сифатида шаклланәётган туюқнинг хусусиятлари мужассамдир. Чунки Лутфий замонида ушбу жанрлар тўла шаклланиб бўлмаган ва тугал жанр даражасида эмас эди. Бу ҳақда Э.Очилов шундай ёзади: “...XV аср адабиётшуноси Шайх Аҳмад ибн Худойодд Тарозийнинг “Фунун-ул балоға” (“Етуклик илмлари”) асарида ҳам рубоий тўғрисида фикр юритилган... Лекин у келтирган мисоллардан фақат Мавлоно Асаднинг форсий рубоийси ҳаза жимусам маниахраби макфу фисолими азалп вазнида бўлиб, Шайх Саъдий қитъа сира малиму саммани солим, Сайид Насимий, Мавлоно Саккокий ва муаллифнинг ўз ижодига мансуб туркий тўртликлар эса рамали мусаддаси мақсур (маҳзуф) вазнида. Бу мумтоз адабиётда туюқ вазни ҳисобланиб, Лутфий тўртликлари айни шу вазнда ёзилган. Бундан маълум бўладики, Навоийга қадар рубоийнинг фақат ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб вазнларида - уларнинг 24 тармоғида ёзилиши қатъий қоида тусини олмаган” [12,19]. Яъни, аниқроғи, рамал баҳрида ёзилган тўртликларга рубоий деб қаралган ёки вазни қатъий норма сифатида белгиланмаган. Шу маънода олимларимизнинг Лутфий тўртликларини “рубоий-туюқ” [4,61], шунингдек, рубоийнинг дастлабки кўринишлари [3,17] сифатида баҳолашганлари ўринсиз эмас экан. Э.Очилов “Шарқ адабиётида рубоий ва уни ўрганиш муаммолари” мақоласида бу ҳақда янада кенгроқ тўхталиб, Алишер Навоийгача рубоий жанрининг учрамаслигини таъкидлаб, Ю.Х.Хожибининг тўртликлари мутақориб, Насимий ва Лутфий тўртликлари рамал, Аҳмад Тарозий асаридаги тўртликларининг форсчаси ҳажаз, туркчаси рамали мусаддаси мақсур (маҳзуф) эканлигини қайд этиб, “Маълум бўладики, бу даврда ўзбек

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

адабиётида рубоий жанри ҳали қонунлашмаган... Демак, “Навоий рубоий жанрида қалам тебратганда ўзбек адабиётида бу жанр билан боғлиқ анъаналар мавжуд эмас эди” [18.78]. Айни жиҳатдан, “Навоий ўзбек адабиёти тарихида классик рубоий жанрининг асосчиси ҳисобланади” [18.79].

Шундай қилиб, Навоий давригача яратилган туркий адабиётдаги кўпчилик шеърий жанрлар, хусусан тўртлик шаклдаги туюқ, рубоий, қитъа сингарилар қоришик ҳолатда бўлиб, бир-биридан бутунлай ажralиб чиқмаган, шаклий-поэтик жиҳатдан тўла шаклланиб бўлмаган эди. Яъни, бирининг таркибида иккинчиси ўзаро боғлиқлиқда камол

топаётган босқичда эди. Шу билан биргалиқда олимларимиз таъкидлаганлариdek, Навоийгача шеърий канонлар масаласи ўртага қўйилмаган ва бу ҳақда қатъий назариялар ишлаб чиқилмаган эди. Тарозийнинг “Фунун ул балоға” асарида туюқ рубоийнинг бир кўриниши сифатида баҳолангани каби бошқа жанрлар ҳам ана шундай синкетик ҳолатида эди. Шу туфайли бугунги кунда мазкур шеърий парчаларни қатъий шеърий мезонларга асосланган ҳолда таҳлил этиш эмас, балки давр нуқтаи назаридан изоҳлаш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз.

### Адабиётлар:

1. Орзивеков Р.Адабиёт дарсларида лириканинг жанрларини ўрганиш бўйича материаллар (методик тавсиянома). -Т.: 1988.
2. Аҳмадхўжаев Э. Лутфийнинг эълон қилинмаган тўртликлари // Адабий мерос. -1978, 11-сон.
3. Саримсоқов Б. Алишер Навоий ва шеърий мезонлар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. -2004, 1-сон.
4. Орзивеков Р. Лирикада кичик жанрлар. -Т.: F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976.
5. Багиров А. Туюқнинг жанр хусусиятлари //Ўзбек тили ва адабиёти. -1980, 4-сон.
6. Умиров Х. Адабиёт қоидалари. -Т.: “Ўқитувчи”, 2003.
7. Дехқонова З. Чустий туюқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. -2005, 3-сон.
8. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т.: “Фан”, 2001.
9. Шамси Қайси Розий. Ал-мўъжам. -Душанбе, 1991.
10. Атоулло Ҳусайнин. Бадоевъ ус-саноеъ. -Душанбе, 1974.
11. Шайх Аҳмад ибн Худойодд Тарозий. “Фунун ул балоға // Ўзбек тили ва адабиёти. -2002, 1-сон.
12. Орзивеков Р., Ҳудойбердиев А. Ўзбек мумтоз адабиёти жанр ва бадиий хусусиятлари саҳифаларидан. С.: 2003.
13. Исҳоқов Ё. Навоий ижодида рубоий жанри // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -1968, 9-сон.
14. Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. -Т.: “Фан”, 1981.
15. Ҳаққулов И. Рубоий ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. -1974, 6-сон.
16. Очилов Э. Ўзбек адабиётшунослигига рубоийнинг ўрганилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. -2005, 6-сон.
17. Эркинов С.Лутфий (ҳаёти ва ижоди). - Т., 1966.
18. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. -Т., 1983.
19. Ганиева С. Рубоий сеҳри (Тўплам: Катта мактаб ёшидаги болалар учун). -Т.: “Ёш гвардия”, 1986.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).